

Адабиёт — инсоншунослик бўлганлиги учун қахрамоннинг ташки кифоаси билан бирга унинг маънавий дунёсини ҳам, психологиясини ҳам ишонарли ва таъсирли қилиб тасвирлаб бериш ёзувчилар олдида турган энг қийин, энг шарафли вазифалардан ҳисобланади. Тўғри, реализмдан олдинги тараккиёт босқичларида, масалан, классицизм ёки романтизм услублари ҳукмронлик қилган даврларда инсоннинг психологиясини, хилма-хил ҳис-туйғуларини ҳаётдагидай аниқ кўрсатиб бериш унчалик зарур ҳисобланмаган. Классицизм ўз замонасида ижобий роль ўйнаган адабий оқим бўлса-да, у китобхонга, томошабинга кўпроқ ақл ўргатишга асосланган эди. Шунинг учун классицизмда кўп учрайдиган камчиликлар унинг имкониятларини чеклаб қўйди. Романтизм услуби инсоннинг ички дунёсини классицизмга нисбатан чуқурроқ тасвирлашга интилади. Аммо романтизмда ҳам инсоннинг реал ҳаётдан кўра ҳаёт ҳақидаги романтик орзулари ва ҳаёлий интилишларини тасвирлаш устун туради. Романтизмнинг энг илгор шакллари кейинчалик реализм таркибига киргандагина бу икки услуб бирлашиб, инсоннинг ички дунёсини, шу жумладан, унинг орзулари, ўй-ҳаёлларини ҳам ёрқин ҳаётий образларда мужассамлантиришга муваффақ бўлди.

Лев Толстой ўзи яратган бадиий асарларда инсоннинг хилма-хил ҳис-туйғуларини олижаноб мақсадлар нуктаи назаридан кўрсатади. У ўзининг санъат ҳақидаги трактатида айтганидек, одамзодга ҳос энг юксак, энг гўзал ҳис-туйғуларни сўз воситаси билан қишлоқларга «юктириш»га интилади.

Биров астойдил завқланиб қулса, буни кўрган одамнинг ҳам қулгиси келади, ҳеч бўлмаса, қулимсирайди. Биров ўртаниб йиғласа, буни кўрган одам беихтиёр маъюсланади. Далада бўрини кўриб кўркан одам қандай ваҳимага тушганини айтиб беради, унинг туйғуси эшитувчиларга ҳам ўтади. Санъат ва адабиётнинг таъсир қучи бир одамнинг бошидан кечган ҳис-туйғуларни иккинчи одам мана шу тарзда ҳис қила билиш билан боғлиқдир.

«Одамда бошқаларнинг туйғусини чуқур ҳис қила би-лиш, юктира билиш қобилияти бўлганлиги учун ҳам, — дейди Л. Толстой, — бутун одамзод шу вақтгача бошдан кечирган ҳамма нарсани ҳар бир қиши ҳис қила билиши мумкин. Одам бундан минг йил олдин ўтган қишлоқларнинг туйғуларини ҳам ҳис қила олиш ва ўз туйғуларини бошқаларга юктира олиш имкониятига эга».

Бу имкониятнинг юзага чиқиши учун ёзувчи ўз гоёсини ҳаққоний ҳис-туйғулар билан йўғира билиши керак. Гоё билан туйғу қинакам уйғунлашгандагина китобхоннинг қалбига етиб боради, унга яхши маънода «юқади», демак, уни тарбиялайди. Гоё билан туйғу эса фақат бади-ий тил материалида, аниқ ва образли сўзлар воситасида уйғунлашиши мумкин.

«Ўткан қунлар» романи ҳозирги ўзбек тилининг энг нозик ҳис-туйғуларни ҳам тасвирлашга қодир эканини барала кўзга кўрсатган асарлардан биридир. Албатта, бу романи ёзишда А. Қодирий кўпгина ижодий изланишларни бошдан кечирган. У ўз қахрамонларининг ўта но-зик, жуда мураккаб туйғуларини ўқувчи ҳам тўлиқ ҳис қиладиган тил билан тасвирлаш учун баъзан аниқ сўз ва ифода тополмай қолади.

«Ўткан кунлар»нинг 1923 йилда «Инкилоб» журналида чиккан илк парчалари билан унинг алохида нашрлари солиштирилса, марокли мисоллар топиш мумкин.

Бир кизнинг ишида пинхон дард чекиб юрган Отабек Тошкент хакида нохуш гаплар эшитади. «Ану ярасининг устига Тошкент тинчсизлиги кўшилгач, Отабек тагин ҳам хаёлчанланган».

Биз таъкидлаб кўрсатган «Тошкент тинчсизлиги» ибораси ёзувчи айтмокчи бўлган маънони аник ифода этолмайди. «Нотинчлик» деган сўз, эхтимол, табиийрок эшитилар, аммо бу ҳам Тошкентда бўлган дахшатли воқеаларнинг таъсир кучини ифодалай олмайди. Шунинг учун романнинг алохида нашрида ёзувчи бу иборани «Тошкент фожиаси» деб тузатади.

Журналда: «Кумушбиби уйкудан тургач, уйида фавкулодда бир ўзгариш сезадир. Бир кечада хар кимнинг огзига тўй деган гап экилган... Тўй учун янги кўрпалар копламокчи бўларлар, пар тўшаклар олмокчи бўларлар...»

Алохида нашрида: «Кумушбиби уйкудан туриб фавкулодда бир холга учрайди: бир кечада хаммининг тушига «тўй» кириб чиккан. Тўй учун янги кўрпалар копламокчи бўладилар, пар тўшаклар олмокчи бўладилар»3.

«Уйкудан тургач» ибораси китобийрок бўлгани учун жонли тилдаги «уйкудан туриб» билан алмаштирилади. «Кумушбиби... уйида... бир ўзгариш сезади». Бирок бу уй факат Кумушбибиники эмас. У ота-онасининг уйида яшайди. Ёзувчи бу ноаник сўздан воз кечиши ҳам ўринли. «Хар кимнинг огзига «тўй» деган гап экилган» жумласи автор истаган нозик маънони бермайди. «Огзига... экилган» кўполрок эшитилади. «Хар кимнинг» ҳам унча аник эмас. «Бир кечада хаммининг тушига «туй» кириб чиккан» жумласи эса ўша фавкулодда холатга жуда мос келади. Бу жумлада Кумушбибининг хайрати сезилиб туради. Одатда, «Бугун тушингга тўй кирганми, ўзи!» деган халк ибораси бир оз табассум билан айтилади. Ёзувчи бу иборани ишлатиш билан Кумушнинг кинояомуз табассумини ҳам ифода килади. «Бўларлар» деган сўз «бўлирлар» деган шаклда бошка туркий тилларда учрайди, аммо ўзбекчада кўлланилганда гумон феълини билдиради («балки отамлар ҳам тўйда бўларлар, эхтимол бўлмаслар») Кумушнинг тўйи бўлиши эса аник. Шу сабабларга кўра А. Кодирий «бўларлар»ни «бўладилар» билан алмаштиради.

Реалист ёзувчи тилдаги баландпарвоз жимжимадор услубдан ҳам хаёт хакикатини кўрсатиш учун фойдаланади. Масалан, «Ўткан кунлар» романидаги игвогар Хомид Отабек билан Мирзакарим Кутидорни хонга карши хиёнатда айблаб, Мусулмонкулга мактуб ёзади, уларни камокдан озод килган Ўтаббой, Кушбегига «бир хамён олтин деб душманлар томонига ўтди» деб тухмат килади. Хатнинг охири: «Бу мактуб содик бир кулнинг холис садокатидан бир намунадир... Ўзимнинг бу хизматим эвазига бир мукофот олиш муддаосида бўлмаганимдан ва нимаики жаноблари йўлида машаккат чеккан бўлсам, ўзимнинг бир виждоний вазифам деб билиб бу мактубда ўз отимни ёзишга ҳам тиламадим... Бир гариби бечора».

«Виждоний вазифам», «холис садокат» сингари баланд-парвоз сўзлар ёлгонни яширишга хизмат килади, тухматни хаспўшлайди.

Тарихдан бизга маълумки, хонлар ва мансабдорлар энг конли фармонларни ҳам кўринишдан чиройли сербезак ибораларга ўраб ёздирганлар. Худоёрхон Тошкентдаги бегунох кипчокларни ўн беш ёшидан то етмиш ёшигача битта колдирмай киришга буюрган фармонини эсланг:

«Бу хукмимизни ижро эткувчи Тошкент хокими Нормухаммад Кушбегига мархамати

шохонамиз шулдирким, гарчи сизнинг кипчок ковмига мансубиятингиз бўлса ҳам, Мусулмонкулни хайдашда бизга унутмаслик хайрихохликлар ва хизматлар кўрсатдингиз, биноан алайхи сиз бу жазодан маъфурдирсиз ва садокатингизда бокий колиб, амримизни ижро этишингизда шубха килмаймиз...»

Худоёрхон «мархамати шохонамиз», «бизга садокатингиз» деган ибораларни хонларга хос жиддийлик билан ёздиради, аммо таши ялтирок бу жумлалар бизга хоннинг «ичи калтирок» эканини, сурбетлигини кўрсатади, бизда унга карши нафрат хисси уйғотади. Разилликда тенги йўк Хомид гўё хизмати эвазига мукофот олиш муддаоси бўлмагани учун мактуби тагига имзо чекмагандек бўлади. Хамма жойдан фитна уругини кидириб юрган Мусулмонкул бу хийлага дархол ишонади. Ёзувчи бу ерда пес билан песни коронгида топиштиргандай бўлади, уларнинг иккаласини ҳам масхара килади. Хатнинг кабиҳ мазмуни билан ялтирок услуби орасидаги номуносиблик ва контраст бизнинг Хомидлар, Мусулмонкуллар ва Худоёрхонларга карши нафратимизни яна ҳам оширади. Хомиднинг имзосиз хати яна бир жихатдан ибратли. Фиск-фасод гапларни имзосиз хатларга жойлаб, юкориларга караб «юмалатиш» одати ўша хонлар замонасидан колган бир иллат экан, ёзувчи бу иллатни фош қилиш билан унинг бугун учрайдиган ва «анонимка» деб аталадиган колдикларига ҳам зарба бергандай бўлади.

А. Кодирий мумтоз адабий тилимиздан гаразли максатда фойдаланмокчи бўлганларни коралаш ва масхаралаш билан чекланмайди. Калби пок, нияти холис кишиларимиз ўтган даврдаги адабий тил воситаси билан ўзларининг энг нозик, энг гўзал, энг шеърый туйгуларини ҳам ифода қилай олганликларини Кумуш ва Отабекнинг хатларида кўриш мумкин.

Хомиднинг сохта хати туфайли изтиробга тушган Ку-муш Отабекка ёзган хатини:

«Бевафога, — деб бошлайди. Хатнинг охирида: — Сизга янги ёр, менга уятсизликнинг қурбони бўлиш муборак! Кумуш эмас, тупрокбиби ёздим, 17 жавзо...»

«Умидим юлдузи... Кумушимга! — деб бошланади Ота-бекнинг хати. — Сиз ўзингизни тупрок билан тенглаштирмакчи бўлгансиз, лекин мен hozир Кумушга ҳам каноат қилмай, Олтинбиби деб атамок фикрига тушдим.

Борлигим мухаббат алангаси билан туташган холда, завжингиз Отабек».

Отабек кейинчалик воқеани англаб, Хомидларнинг суикасдини бартараф қилгач, Кумушнинг ўша хатини яна бир эслайди: «Сизга очиб сўзлай, гўзал рафикам: гўё менинг бу мактубим сизнинг Комилбек учун хасратли ёшлар тўккан, ўтли охлар тортган чоғингизда эришар-да, унутилган, эскирган бир юракнинг арзини тинглай олмасиз...» Отабекнинг тасаввурича, Кумуш гўё Отабекни унутиб Комилбекка тўй розилигини берган ва гўё Кумуш халигача мархум Комилбек учун хасратли кўз ёшлар тўқади, ўтли охлар тортади. Агар Отабекнинг хати шундай чоғда Кумушга етиб борса, эхтимол, Кумуш унутилган бир юракнинг арзини тингламас, эхтимол, Отабекнинг хатини мархум Комилбек учун тортаётган охининг ўтида қуйдирар!

Аслида бундай эмаслигини, Кумуш Отабекка содик эканини китобхон билади. Отабек ҳам Кумушга ишонади. Аммо у Кумушнинг Комилбекка тегмокчи бўлиб яхши қилмаганини нафис ўхшатишлар, чиройли кочириклар ва кесатиклар билан шундай ифода қиладики, унинг ха-тини ўқиганда завжингиз келади, адибнинг сўз санъатига тан берасиз.

Отабекнинг хатидаги ўша ўринлар ташки кўринишдан эски услубда ёзилганга ўхшайди. Хасратли кўз ёшлар, хар нарсани қуйдира оладиган ўтли охлар мумтоз адабиётимизда кўп учрайди. Аммо анъанавий шаклларни ёзувчи бу ўринда ҳам реалистик хис-туйгулар билан тўлдирди, уларга янгича йўналиш, янгича сайқал беради.

Агар Отабек билан Кумушнинг хатлари бутунича ўтган аср услубида ёзилса эди, «эди» ўрнига «эрди», «тупрок» ўрнига «туфрок», «мактуб» ўрнига «китобат» ёзилган бўлар, кўпгина ўзбекча иборалар араб-форс тилининг конунларига асосланган мураккаб иборалар билан алмашинар эди.

Ана унда ёзувчи бу хатлар оркали ифода қилган ҳаққоний фикрлар, ажойиб ҳис-туйғулар китобхонга ҳозиргичалик кучли таъсир кўрсата олмас эди.

Аммо ёзувчи ташки кўринишда бир-бирига унча тўғри келмайдиган эски ёзув услуби билан янгича мазмунни ҳаққоний ҳис-туйғулар воситаси билан уйғунлаштирган. У ўтган аср ёзув услубининг янги адабиётига хизмат қиладиган энг нафис, образли хусусиятларини танлаб олиб, романга сингдириб бера олган.

Г. Гуломнинг «Ким айбдор?» ҳикояси тилида гоя би-лан туйгу бирлигининг бошқа бир турини кўрамиз.

Бу ҳикоя техникани эгаллашнинг аҳамияти ҳақида сўз юритган асар. Техникадан орқада қолган Мадмиса жуда кўп қулгили воқеаларни бошдан кечиради. У хали такси билан лифтнинг нималигини билмайди. Ҳикоянинг воқеаси ўттизинчи йилларнинг бошларида бўлиб ўтади. Эҳтимол, у пайтларда Тошкентнинг ўзида ҳам одам ташийдиган енгил таксилар, кўп қаватли уйларга ўрнатиладиган лифтлар йўқ даражада бўлгандир.

Мадмиса бу нарсаларга Москвада дуч келади. Такси-машинанинг шоферидан сўрайди:

«— Пролетар райониғача қанча оласан?»

— Қанча юрганингда қараб тўлай берасан.

— Эҳ-а, — деди Мадмиса, — юрганига қараб тўлай берасанки, қўчага ташлаб қўйган қармон борми? Ҳозир байини қилмасак, бирпас туриб фалон пул берасан, деб ўтирсанг, орамизда жанжал чиқса, бунга қимнинг тоби бор?

«—...Ажойиб одам, — деди шофер истехзо билан. — Ахир мана бу автомат қанча юрганимизни... ўлчаб туради. Шунга қараб ҳақ тўлайсан-да», — деди шофер... масофа автоматини кўрсатиб. Мадмиса бу автомат ва унинг хўжайини шоферга ишониб-ишонмаслик бир тарзда автомобилга чиқиб ўтирди. Ичидан «Шофер ранжитмаса бўлгани» деб борар эди».

Автор Мадмисани қулиб тасвирлапти. Мадмиса у айтган қолоқ бир қишлоқ одами ҳам эмас. Мехмонхона номерида ойнага қараб «форм» қилиб галстук такади. Бирок ҳаётда қутилмаган янгиликлар жуда кўп. Мадмиса уларни ўзлаштириб улгуролмайди. Ўттизинчи йилларда бу янгиликлар адабий тилимизга ҳам энди қириб қелаётганлиги сабабли Г. Гулом уларнинг кўпини ўзимизда бор тушунчалар билан изохлаб тасвирлайди. Такси машинасини «қирақаш автомобиль», «таксомотор» деб атайди. Номернинг ваннасини «қичик ҳаммом, мурча» деб изохлайди-да, сўнг ҳамма жойда ваннанинг ўрнига «мўрча» ёзади. Ваннага ўрнатилган мураккаб автоматни тасвирлашда эса алоҳида бир қийинчилик ҳам сезилади. Мадмиса ваннанинг жўмрагини бекитмагани ва ифлос сувини туширмагани учун эшик очилмайди:

«Эшикнинг очилувини мўрча ичининг озода саклануви учун алоқадор қилиб ишлаган эканлар янги замон усталари, мана сизга техника».

Бу ердаги жумлалар сал мураккаб тузилган. Чунки бу жумлаларда ифода этилган тушунчанинг ўзи хали тили-мизга яхши ўрнашиб улгурмаган. Янги ўрнатилган тиш то оғзидан ўз ўрнини топиб олмагунча ноқулай туюлади. Ада-бий тилга янги қириб қелган сўз ва иборалар ҳам мана шу тарзда ўзлаштирилади, ҳаёт талабига ва тил табиатига мое қелганлари вақт ўтиши билан ўз ўрнига тушиб, силликланиб, ўрнашиб қолади. Бошқалари

ўз-ўзидан чикиб кетади.

Масалан, машинани ўттизинчи йилларда рус тилида ҳам кўпрок «автомобиль» деб аташ эдилар. Таксини тўлик килиб «таксомотор» деб аташ одат бўлган эди. Бирок вақт ўтиши билан «автомобиль» ўрнига «машина», «таксомо-тор» ўрнига «такси» ишлатиладиган бўлди. Чунки бу сўзлар жонли тил дарёсига тушиб, узок вақт юргандан кейин силликланди ва ихчамлашди. Узун «автомобиль» сўзи ўрнига айтишга ўнгайроқ килиб «машина» дейиш, «так-сомотор» ўрнига қисқарган килиб «такси» деб қўя қолиш одат тусига кирди. «Ким айбдор?» хикоясида Мадмисанинг галстугини форм килиб боғлаб олгани айтилади. Ўттизинчи йилларда «форм кийинган» деган ибора ҳам анча кенг тарқалган эди. «Форма» сўзи асосида ўзбек тилига кирган бу тушунча «харбий форма кийган ёки маълум формада кийинган» деган маънонигина эмас, янги кийинган, умуман, яхши кийинган, ясанган, деган маъ-нони ҳам билдирар эди. Хатто галстукни келиштириб боғлаш ҳам «форм килиб боғлаш» шаклида айтилар эди. Бирок йиллар ўтиши билан «форм» сўзи фақат асл маъносида «харбий форма кийган», «темир йўлчи формасидаги киши» каби ибораларда сакланиб қолди. Яхши кийиниш ва ясанишлар эса хар гал гап мазмунига қараб «пасон кийинган», «олифта кийинган» каби иборалар билан ифодаланадиган бўлди.

Шунга ўхшаш шаклланиш ва ўзгариш даврини хар бир тил ҳам босиб ўтади. Ўтган асрда рус тилига янги тушунчалар ва терминлар кўплаб қираётган даврда «калиш» (га-лош) сўзини «мокроступы» (хўлда юргич) маъносида, «олмос» сўзини «блестки» (ялтирагич) деган сўзлар билан ифодаланган одамлар бўлган. Лекин бу сўзлар тилга кириб ўрнашолмаган.

«Ким айбдор?» хикоясига қайтайлик. Мадмиса умрида биринчи марта лифтга тушади. «Лифт» деган нарса Ўзбекистонда хали йўқ даражада. Шунинг учун ёзувчи уни ўзбек китобхонига изоҳлаб бериши, бу тушунчани ифодалайдиган сўзлар топиши керак. Гафур Гулом «лифт»ни «муаммо хужра» деб атади. Бу хужранинг қанақа ишлаши, унинг «тилини» билмаган одам қандай ахволга тушиши кейинги тасвирдан маълум бўлади. Мадмиса калтираган бармоқлари билан лифт ичидаги тугмаларни бирин-кетин босаверади. Лифт ҳам бел англаган отдай уни гох пастга олиб қочади, гох баландга. Охири Мадмиса «дод» деб хушидан кетиб йикилади.

Хикояда ўша давр ўзбек китобхони учун янги бўлган яна бир тушунча бор. Лифтга қараб турадиган одам бугунги тилда «лифтёр» ёки «вахтёр» дейилади. «Шофёр» ёки «монтёр» сўзлари ўша пайтлардаёқ тилимизга кирган эди. Аммо хали лифтнинг ўзи нималигини кўпчилик ўзбек китобхонлари билмайдиган бир пайтда «лифтёр» дейилса бу жумбоққа айланиши мумкин эди. Шунинг учун Г. Гулом лифтга ва кирди-чикдига қараб ўтирадиган одамни «дарвозабон» деб атади.

«Дарвозабон уни (яъни, Мадмисани — П. К.) бир кичик хужрага (яъни лифтга) қамади». Охирида лифт беланглашга тушиб, Мадмиса ёрдам сўраб бакиргандан кейин «лифт дарвозабони»... лифтни пастга тушириб олди.

Лифт кабинасининг хужрадай кичкиналиги ҳам, хар подъезднинг қўча эшиги билан лифтига қорувлик қиладиган вахтёрнинг дарвозабонга ўхшашлиги ҳам тўғри. Г. Гулом бу янги тушунчаларни китобхонга тез етиб борадиган оммабоп сўзлар билан жуда аниқ тасвирлайди. «Лифт дарвозабони» деган ибора образли тасвир сифатида ўз ўрнида. Аммо бу иборатга термин деб қарайдиган бўлсак, унда маълум бир номувофиклик борлигини сезамиз. Ахир лифт — кичкина хужра, унинг дарвозаси бўлиши мумкин эмас, фақат эшиги бор. Подъезднинг қўча эшиги ҳам — дарвоза эмас. Шунинг учун бу ерда

дарвозабон ўтирмайди. Кўп каватли уйларнинг эшикларини кўрикловчилар ўзбекчада «дарвозабон» деган сўз билан эмас, «коровул» ёки «вахтёр» деган сўз билан аталадиган бўлди. «Дарвоза-бон» деган термин эса ўзига жуда мое тушган ўрнида — футбол дарвозасини кўрикловчи кишига нисбатан ишлатиладиган бўлди.

Мадмиса зўр тезлик билан ривожланаётган техника тараккиётдан орқада колганлиги учун кулги бўлади. Аммо хикоядаги кулги — юмористик характерда. Ёзувчи Мадмиса образида оддий бир совет кишисини кўрсатади. У ўзининг техникавий колоклигига кўникиб кетмокчи эмас. Мадмиса ўзининг бу ахволидан каттик уялади, Тошкентга кайтиб келиб, техникани эгаллашга астойдил бел боғлайди. «Одам килган ишни одам кила олади» деганларидек, унинг бу борада ўз максадига етишига китобхон ишонади.

Демак, Г. Гуломнинг бу хикоясидаги бадиий тил ҳаётимизнинг тараккий этиб, ўзгариб кўрсатишга хизмат килади. Янги гояларни ҳаққоний туйгулар билан уйғунлаштириб кўрсатишда Абдулла Кодирийнинг «Обид кетмон» киссаси ҳам жуда ибратли. Бу асар колхоз ҳаётига бағишланган йирик прозаик асарларнинг энг дастлабкиси бўлди. Унда ҳам А. Кодирий ўзининг романларида кўринган ба-диий маҳорат билан Мулла Обид, Хотиб домла, Берди татар, Мирвали банги, Шодмонбой каби жонли характерлар яратди. Киссанинг «Колхоз жони» деб аталган бобидан бир мисол олайлик:

«Рафиковнинг таклифи билан колхоз етти китъага бўлинади: буларни «бўлтак» деб аташга қарор қилинади... Бригадир ҳам «Бўлтакбоши» деб аталмокчи бўлади. Кол-хоз ерларининг ахволи тўғрисида учлик комиссиясининг маърузаси эшитилади». Бу ерда «Четан» колхозининг аъзолари бир бригадага қарашли ер участкасини «бўлтак» деб атайдилар. Алоҳида бир ерни «бўлтак ер» деб аташ одати халқ тилида азалдан бор. А. Кодирий ва унинг киссасидаги қахрамонлар мана шу азалий одатдан фойдаланишади. Кисса қахрамонлари бригадирни «бўлтакбоши» деб атамокчи бўладилар. Бу мисол меҳнатқашларнинг сўз ижод қилиш қобилиятини кўрсатиш жиҳатидан жуда характерли. Бирок «бўлтак», «бўлтакбоши» деган сўзлар «бригад» ва «бригадир» сўзларининг ўрнини ололмади. Бунинг кўп сабабларидан бири, эҳтимол, шундадирки, «бўлтак» сўзи «тўмтоқ» сўзига ўхшаброқ кетади. Дехқонлар илгаритдан «бўлтак ер» деганда бошқа ерлардан ажралиб қолган кичикроқ майдонни кўз олдида келтирадилар. Колхоздаги бригада ерлари эса жуда катта майдонларни эгаллайди ва бир-бирларига туташиб кетади. Бундан ташқари «бўлтак-боши» деган сўз «бригадир» (жонли тилда ўзбекча талаффузда хатто «бригат» ҳам дейишади) сўзидан кўра узунроқ, айтишга ноқулайроқ. Бирор янги сўзнинг жонли тилга кириб яшаб кетишида унинг ихчамлиги ҳам, айтишга қулайлиги ҳам алоҳида аҳамият қашф қилади. Шу нуқтаи назардан «томорка» сўзига бир қаранг. Аслида бу русча «приусадебный участок» деган атаманинг эквивалента сифатида майдонга келган. «Томорка» сўзини ҳам халқ ижод қилган. У русча атамага нисбатан хийла ихчам, талаффузи жуда қулай, замиридаги маънони ниҳоятда яхши ифода этади. Шунинг учун «томорка» сўзи жуда тез тарқалиб, тилга дарҳол сингиб кетди.

«Обид кетмон»дан олинган юқоридаги мисолнинг яна бир диққатга сазовор жойи — Обид кетмоннинг сўзларидир. «Чимзор» деган сўзни биз бугун «бўз ер» деб ҳам айтамыз. Ўша ернинг ҳосилдор тупроғи ҳақида Мулла Обид «Коп-қора кўмирдек тупроғига сук қиради» дер экан, биз чинакам дехқон одамнинг дилини хис қиламыз. Киссада Мулла Обиднинг девқорлиги, меҳнатқашлиги, тадбирқорлиги, хатто қулогининг қарлиги — ҳаммаси маҳорат билан кўрсатилган.

Мажлисларда кўп гапириб, қолиплаган тайёр ибораларга ўрганиб қолган одамлар

хаётнинг ўзида ҳам бор. Бир вақтлар А. Кодирий хажв килган Калвак Махзум жон-ли тилдан узок бўлган китобий ибораларни канчалик кўп ишлатиши юкорида кўриб ўтилган эди. Мажлисларга ёзма докладлар билан келиб, уларни зерикарли килиб ўкиб берадиган айрим ношуд лекторларнинг тили эса бошка бир тур китобийлик ва расмиятчилик окибатида жонли халк тилидан узоклашиб кетган. Хассос сўз санъаткори Абдулла Каххор китобий тилнинг янгидан пайдо бўлган бу турини «Нутк» номли фельетонида каттик кулги кил ган эди.

Эр-хотин ўз уйларида оилавий хаётларига бир йил тўлишини нишонламокчи бўлишганда «Кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган нотик»... алёр айтиш учун «рюмкани олиб ўрнидан турди. Кошлари чимирилди, ранги бир оз ўзгарди, аввал рюмкага, кейин уйнинг бурчагига караб сўз бошлади:

— Ўрток рафикам! Ижозат берасиз, хушчакчак хаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намуналик бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик этишга!

Хотин бу мукаддимани хазил гумон килганлиги учун кийкириб чапак чалди. Нотик яна ҳам жиддийрок киёфа да давом этди:

«— Бундан 365 кун мукаддам сиз билан биз ўз хаётимизда катъий бурилиш ясаб, зўр синовлар шароитига бевосита кадам кўйдик...

Нотик оила тўгрисида ўз фикрини баён килганидан сўнг «хотин ва социализм» деган китобнинг бир еридан уч, яна бир еридан икки, яна бир еридан бир ярим саҳифа ўкиб берди. Хотин бу орада икки марта огзини очмасдан эснади».

Нотик шу тарзда оилавий хаётларига обзор бергандан кейин нуткини яқунлаб шундай дейди:

«— Лекин бу камчиликларга карамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганлигимизга ҳеч қандай шак- шубҳа бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш мумкин... Бу рюмкани мана шунинг учун кўтаришдан бурун ўз мухаббатимни яна бир марта амалий суратда изхор килгани рухсат беришингизни талаб киламан.

Хотин унинг харакатидан «ўпич бер» деган маънони англади-да:

— Ўпичми? Ҳеч бўлмаса шуни тўгри айта колсангиз нима бўлар экан! — деди.

— Қандай, - деди нотик хайрон бўлиб, — битта ўпични деб нуткимни бузайми?

Нотик ўтирди. У ўтирганида яна аслига қайтди. Хотин унинг хар бир сўзидан кулар, завкланар эди».

Нотикнинг характерида жуда галати бир ҳислат бор. Бу одам асли ўзи жонли тилда сўзлашади. Бирок минбарга чикса ёки кўлига калам олса бой, ширали халк тили гўё эсидан чикиб кетади. Эски замондаги баландпарвоз ки-тобий тил мухиблари жонли тилдан қандай бегонасираса, бу лекторнинг характерида ҳам шунга ўхшаш бир хусусият бор. У битта ўпични деб нуткини «бузгиси» келмайди. Ибодат килаётган одам ибодатини бузгиси келмаган сингари, фельетондаги нотик ҳам ўз китобий нуткини охирига етказмагунча кўймайди. У колипланган китобий жумлаларни ўйлаб-нетиб ўтирмай калаштириб ташлайверади. Жонли тилда уч бўгингина киска ибора билан «ўпич бер» дейиш ўрнига «мухаббатимни яна бир марта амалий суратда изхор килгани рухсат беришингизни талаб киламан», дейди. «Турмушимиз яхши» деган гапни эса «турмушимизни аъло даражада олиб бораётганлигимизга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш мумкин» деб кўпиртиради. Бутун гапи курук кўпикдан иборат бўлган бундай одамлар хаётда чиндан ҳам учрайди.

«Одамларки бор, ҳалол меҳнат билан ўзини кўрсатгани эринади-ю, оламда борлигини

маълум килиб туриш учун кўпроқ гапиришга ҳаракат килади... Тилимизнинг бойлигини, унинг кочирикларини ўрганишга эринган, сўз санъатига хунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ховуч сўзни йиллар давомида айлантириб кун кўриб юрган бир туркум калам ахлининг «фаолияти», чала мул-ла баъзи олимларнинг «илмий хулосалари» натижасида ажиб бир тил бунёдга келган. Бу тилда ҳеч ким гаиирмайди, зотан гапириш мумкин ҳам эмас, факат ёзиб ўкиб бе-риш мумкин».

Юкоридаги нотикнинг китобий тилини келтириб чиқарган сабабларнинг бир канчасини А. Каххор бу ерда жуда тўғри кўрсатган.

А. Каххор адабиётнинг мохиятини беҳад чуқур тушуниб, ажойиб асарлар яратгани ҳаммамизга маълум. Унинг «Олам яшарадир» хикояси билан орадан уч-тўрт йил ўтган дан кейин чиққан «Майиз емаган хотин», «Анор» хикояларини солиштирсангиз, ёзувчининг ижодий ўсиши накадар тез борганини, унинг махорати канчалик юксалганини яққол кўрасиз.

1935 йилда ёзилган «Майиз емаган хотин» хикоясида хотин-кизларнинг тенглиги, озодлиги, эрлар билан баробар ишлаши мавзуси ёркин бир бадиий шаклда очилади. Шу илгор гояга тиш-тирноги билан қарши турган мулла Норкўзи очилган хотин-кизлар шаънига эртаю кеч бўхтон тўқийди. «Сотиболдиннинг хотини дорихонада ишлайди, хар куни мингта одам билан жавоб-муомала килади: ахир, биттаси бўлмаса, биттаси кўз кисади-да. Меликўзининг хотини автобусда кондуктор, баъзан ярим кечада келади; иши эрта тутаган куни ҳам ярим кечагача юрса, айшини килса, эри билиб ўтириптими? Абдулҳакимнинг кизига уста Мавлоннинг ўгли бир ховуч майиз берганини ўз кўзим билан кўрганман. Хаё борми шуларда?»

Уйда «етти қават парда» ичида ўтирадиган ўз хотини мулла Норкўзига фаришта бўлиб кўринади. Аммо хикоя давомида бу «фаришта»нинг ўтакетган бузук аёл эканлиги фош бўлади. Ўйнаш йигити паранжи ёпиниб кириб, бирга тунар экан-у, мулла Норкўзи эркақларга хатто овозини ҳам эшиттирмайдиган бу икки «фаришта»ни беҳаёлардан кўриқлаб, айвонда пойлоқчилик килиб ўтирар экан. Заифона кийинган иккинчи «фаришта»ни эса ўз хотини гунохустида тутиб олади. Жанжал бўлади. Махалла-қўйдан одам йигилади. Шу ўринда тажрибасиз ёзувчи бўлса воқеани мажлисга айлантириб, илгор хотинларни сўзга чиқариши мумкин эди. Мулла Норкўзига ўхшаш эскилик тарафдорларининг шаънига газета мақолаларида ҳам айтиш мумкин бўлган расмий гапларни кўплаб айтиши мумкин эди. Аммо А. Каххор бундай қилмайди. У асарида айтмоқчи бўлган фикрини ёркин образлар холига келтириб, характерлар мантикига сингдириб айтади.

Эрини мулла Норкўзининг уйдан топиб олган хотин: «Войдод, халойик, бу қандай эркақки, хотинини бировга кўшиб кўйиб, ўзи эшик пойлаб ётади!» деб дод солади. Мулла Норкўзи кўшмачи эмас, у хотинини фаришта деб ўйлаб алданган, аммо буни энди одамларга исбот килиб беролмайди. Кекса бир одам унга кўлини пахса килиб «Садқаи одам кетинг-е, айб эмасми?! — дейди. — Хотин қилиш кўлингиздан келмаса талок қилинг!»

Мулла Норкўзи яна ҳеч нарса деёлмайди. Эски эътикод унинг ўзини шармандали бир ахволга солиб қўйган. Шу пайт девор устида турган ўн икки ёшлардаги кизча «девордан кесак кўчириб олиб мулла Норкўзига ўқталди:

— Ху ўл, туркинг курсин! Бошинга солайми шу би-лан! Махаллада сасиб, ўқувчи кизларга кун бермайсан-у, ўзинг нотўғри иш қилсан!

Мулла Норкўзи ортиқ қандай олмайди. Девор ортидан кизга қараб ўшқиради:



— Сен гапирма! Сенга ким кўйипти гапиришни! Уста Мавлоннинг ўглидан бир ховуч майиз олганингни ўз кўзим билан кўрганман!

Хамма кулиб юборди. Томдан кимдир кичкирди:

— Ха, бу кишининг хотини майиз емаган».

Халк тилининг кудратидан, бойликларидан махорат билан фойдаланган ёзувчи мўъжиза яратиши мумкинлиги бу мисолда яккол кўриниб турибди. Мулла Норкўзининг уйига кириб дод солган хотин ҳам, кекса чол ҳам, ўқувчи кизча ҳам, мулла Норкўзининг ўзи ҳам бу ерда факат бир огиздан гапирадилар. Пекин шу киска гапларда уларнинг рухий холатлари, хар бирининг ўзига хос тили ва дили, савияси ва позицияси, ёши ва жинси яккол кўри-ниб туради. Мулла Норкўзини кўшмачиликда айблаётган хотин «Войдод, бу кандай эркак!» деганда биз эрини ўйнаши билан тутиб олган аёл кишининг аламини, газабини, ёнишини сезамиз. «Садкаи одам кетинг-е, хотин килиш кўлингиздан келмаса талок килинг!» деган гаплар ҳам етмиш яшар мўйсафидга жуда мос, унинг дилида борини, феълини, эътиқодини аник ифодалайди. Ўқувчи кизчанинг девордан кесак кўчириб олиб, ёмон кўрган одамига ўкталиши ҳам, «махаллада сасиб, ўқувчи кизларга кун бермайсан-у, ўзинг нотўгри иш киласан» дейиши ҳам унинг табиатига, ёшига жуда муносиб. «Ўзинг нотўгри иш кила-сан» деган ибора кишига завк беради. Кизчанинг чиндан ҳам янги мактаб тарбиясини олаётганига бизни ишонтиради. Отдан тушса ҳам эгардан тушмаётган мулла Норкў-зи бу кизчага ўшкириб, унга бировнинг ўгли бир ховуч майиз берганини айтганда, одамлар гур этиб кулиб юборади. Ўзи кўшмачининг ахволига тушиб ўтирган эскилик мухибининг янги замон аёлларига карши айтган гаплари энди чиндан ҳам кулгили тус олади. Демак, ёзувчи гоёни риторик сўзлар оркали эмас, тўлақонли реалистик характерлар оркали ифодалайди.

Тўгри, мулла Норкўзига ўхшаб, хотинини «фаришта» деб алданган эрлар хамма даврларда бўлган. Ўйнашиникига паранжи ёпиниб борадиган эркаклар ўтмишда ҳам учраб турарди. Аммо уларга халкнинг муносабати илгари замонда хийла бошқача бўлган. Ўтмишда агар шундай ходиса устига халойик тўпланадиган бўлса, бирорта ша-рият пешвоси «ур» дер эди-ю, мулла Норкўзининг хотини ҳам, унинг ўйнаши ҳам тошбўрон бўлиб ўлиб кетарди. Мулла Норкўзининг ўзи ҳам тирик колиши гумон эди.

Аммо янги замон кишилари бундай вахшийликдан узок. Улар мулла Норкўзини ва унинг «фаришталари»ни жисмонан ўлдирмайдилар, факат улардаги ўтмиш иллатларини кулги билан маънан ўлдиррадилар. Тарбиявий нуктаи назардан каралганда хикояда кўрсатилган маънавий галаба мулла Норкўзиларни жисмонан ўлдириб эришиладиган галабадан минг марта афзал.

Хикоядаги гоё мана шу маънавий афзалликда, мулла Норкўзиларни кулгили ахволга соладиган мана шу янги инсоний муносабатлар ва хис-туйгуларда мужассамланади. Гоё билан туйгунинг бундай юксак бадий бирлиги юкорида биз кўриб ўтган ёркин, сержилва, сербўёк тил воситаси билан амалга ошади.